Мавзу: ШАХАРДА ЯШАЙДИГАН ФУКАРОЛАРНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ

РЕЖА:

1. Шахарда яшайдиган фукароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқининг умумий тавсифи.
2. Уй-жой курилиши коперативларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи.
3. Фукароларга берилган ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи.
4. Шахар ва посёлка ерларини бошкаришнинг асосий хусусиятлари
5. Шахар атрофи ва яшил муҳофаза минтакаларининг ҳуқуқий холати .

Ахоли пункти ерлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ер фонди тоифасидан фарқли ўлароқ ишлаб чиқариш воситаси сифатида эмас, балки яшаш учун жой, одамларнинг ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий фойдали фаолиятини ташқил этиш, шунингдек нинг маданий-маиший ва бошқа эхтиежларини қондириш учун базис сифатида фойдаланилади.

Ахоли пунктларини шахар тоифасига ўтказиш давлат хокимиятининг Олий органлари томонидан қуйи хокимият органларининг тақдимномаси асосида белгиланади. Вилоят, туман, шахар халқ депутатлари кенгашларининг тақдимномасига кўра пункти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига биноан шахар тоифасига киритилади. пунктларини посёлкалар тоифасига киритиш туман халқ депутатлари кенгашларининг тақдимномасига биноан вилоят хокимлигининг қарори асосида амалга оширилади. пунктларини қишлоқ тоифасига киритиш туман хокимининг қарорига асосан амалга оширилади.

Ахоли пунктларининг чегараси - шахар, посёлка, қишлоқ пунктлари ерларининг ташқи чегаралари бўлиб, улар ана шу ерларни бошқа тоифадаги ерлардан ажратиб туради. пунктларининг чегараларини белгилаш тасдиқланган шахарсозлик ва ер тузиш хўжжатлари асосида амалга оширилади. Масалан, шахарларнинг чегаралари шахарсозлик бош режалари асосан белгиланса, қишлоқ пунктларининг чегаралари эса ички хўжалик ер тузиш хўжжатларига асосан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 60-моддасида кўрсатилишича, пунктларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши лозим. пунктларининг ерлари чегаралари тегишли давлат хокимияти органларининг қарорларига асосан ўзгартирилиши (кенгайтирилиши) мумкин.

Шахар, посёлка, қишлоқ пунктлари ерлари ҳуқуқий холатидаги ўхшашлик ва яқинликни уларнинг умумий фойдаланишдаги ерларидан фойдаланиш тартиби ва мақсадларида кўриш мумкин. Аввало, пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига қуйидагилар киради: майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суѓориш тармоѓи, соҳил бўйи ерлари, нинг маданий-маиший эхтиежларини қондириш ва дам олиш учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боѓлар, сайилгоҳлар, хиебонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар), коммунал-маиший ахамият га молик ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва улардан фолйдаланиш жойлари) (Ер кодексининг 64-моддаси).

Ахоли пункти ерларининг ҳуқуқий холати бир хил бўлмайди. Бир қатор умумийлик шахар ва посёлка ерлари ҳуқуқий холатида бўлиши мумкин. Қишлоқ пунктлари ерлари аксинча ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан яқиндан боғлиқ бўлади.

Ахоли пунктлари чегараси доирасидаги айрим участкалар белгиланган мақсадга кўра қуйидаги ерларга бўлинади: шахар (қишлоқ) қурилиши ерлари; умумий фойдаланишдаги ерлар; қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар; дарахтзорлар эгаллаган ерлар; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ерлари; алохида мухофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари; сув фонди ерлари; захира ерлар.

Ахоли пункти ерларининг ҳуқуқий холатида бошқарув жихатдан хам фарқлар бўлади. Шахар пунктларининг ерлари туман, шахар хокимлиги томонидан бошқарилса, қишлоқ пунктларининг ерлари туман хокимлиги томонидан хам , қишлоқ хўжалик корхоналари бошқарув органлари томонидан хам бошқарилади.